

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03.РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ЮСУПОВА ЮЛДУЗ НУРИТДИНОВНА

**БАЙДАРКА ВА КАНОЭГА ИХТИСОСЛАШГАН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ
СПОРТЧИЛАРДА ҚОН-ТОМИР ТИЗИМИ ТРОМБОЦИТЛАРИНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ ФАОЛЛИГИ**

03.00.01 – Биокимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD)

Юсупова Юлдуз Нуритдиновна

Байдарка ва каноэга ихтисослашган юқори малакали спортчиларда
Қон томир тизими тромбоцитларининг функционал ҳолати
фаоллиги..... 3

Юсупова Юлдуз Нуритдиновна

Динамика внутрисосудистой активности тромбоцитов у
высококвалифицированных спортсменов, специализирующихся на
гребле на байдарках и каноэ.....

Yusupova Yulduz Nuritdinovna

Dynamics of intravascular activity platelets in highly skilled
rowing athletes kayaking and canoeing

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТ ИИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ЮСУПОВА ЮЛДУЗ НУРИТДИНОВНА

**БАЙДАРКА ВА КАНОЭГА ИХТИСОСЛАШГАН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ
СПОРТЧИЛАРДА ҚОН-ТОМИР ТИЗИМИ ТРОМБОЦИТЛАРИНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ ФАОЛЛИГИ**

03.00.01 – Биокимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/В428 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кулманова Муножат Усмоновна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Носир Мухамеджанович
биология фанлари доктори, профессор

Рахимова Дилором Алимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув биносининг мажлислар зали. Тел/факс (+998971) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№ ___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс (+998978) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж. Эрматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ж. Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги Бир марталик илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунё статистикасига мос ҳолда ривожланган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт билан аҳолининг 40-60% қисми шуғулланмоқда, Россияда ушбу кўрсаткич фақат 8-10%ни, Ўзбекистонда—2-5%ни ташкил қилади. Дунёда ва шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Замонавий спортда юқори натижаларга эришиш учун ҳам хажм, ҳам жадаллик бўйича экстримал бўлган жисмоний ва руҳий эмоционал юклаган машғулотлар ва мусобақалар зарур. Ушбу шароитларда мушакларда юқори даражада кечадиган фаолиятга чидамлик организмнинг барча аъзо ва тизимларининг максимал даражада мослашуви ҳисобига амалга оширилади. Юқори жадалликдаги жисмоний юклаганларга мослашишнинг мезонларидан бири бўлиб гемостаз кўрсаткичлари ҳисобланади. Уларни организмнинг мослашиш потенциални баҳолаш учун ва индивидуал шуғулланиш тартибини танлаб олишда мезон сифатида қўллаш мумкин. Республикамизда спортни жадал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, спортни байдарка ва каноэда эшкак эшиш каби турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг функционал имкониятларини ҳисобга олувчи мезонларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда юқори малакали спортчилар организмда компенсатор-мослашув жараёнларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жисмоний зўриқишга нисбатан организмнинг индивидуал мослашув жараёнларини баҳолашда кенг қамровли комплекс текширувлар асосида олиб бориш зарур. Бундай комплекс ёндошув ҳар бир инсоннинг ўзига хос морфофункционал ва психофизиологик кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради. Машқлар жараёнида турли хил баҳолаш мезонлари қўлланилади, жумладан спортчиларнинг турли аъзо ва тўқималарни ўзгарувчан кўрсаткичларининг динамик ҳолати баҳоланади. Мушакларнинг иш фаолиятини таъминлашда транспорт ва гомеостатик функцияларни амалга оширувчи микроциркулятор ўзани муҳим рол ўйнайди. Бу кўрсаткичлар мушакларнинг иш фаолияти ва ўта зўриқишининг мезонлари ҳисобланади. Шунга кўра умумий ва махсус чидамликни талаб қилувчи, спортнинг тезлик ва кучга асосланган турлари билан шуғулланувчи спортчиларда стресс омилларига адаптация жараёнларига баҳо беришда гемостазиологик параметрларни қўлланилиши ижобий натижа беради.

Мамлакатимизда аҳоли орасида жисмоний фаоллик, организмнинг биологик ҳаракат фаоллигини ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш орқали биологик тизимларнинг меъёрий даражасини таъминлаш, касалликларни олдини олиш каби вазифалар белгиланган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини самарали моделларини

яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»¹дан иборат. Ушбу вазифалар спортчилар орасида тиббий-биологик тайёргарлиги усулларини илмий асослаш, юқори натижаларга эришиш учун уларни тайёргарлик ҳолатини баҳолаш орқали спортчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси ва биологик эҳтиёжини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Призидентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2821-сон «2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпияда ва XVI Параолимпияда ўйинларига Ўзбекистонлик спортчиларни тайёрлаш тўғрисида»ги, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижнинг етакчи университетлари олимлари томонидан спортчиларни стрессга, оғир жисмоний юкламаларга мослашувини оширишнинг молекуляр механизмлари тадқиқ қилинган, спортчиларни мусобақаларга тайёрлашни самарадорлиги устидан назорат ва саралаш мезонлари ишлаб чиқилган: Human Integrative and Environmental Physiology Laboratory (США), Academic Department of Sports Medicine, School of Sport, Exercise and Health Sciences (Англия), Research Institute “Dr. Vin’а Giner”, Molecular and Mitochondrial Medicine, (Испания), Università degli Studi di Verona (Италия), Università degli Studi di Verona (Австралия), National Taiwan Normal University (Тайвань), Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети, Курск ижтимоий таълим институти, Россия соғлиқни сақлаш Департаментининг Москва тиббий реабилитация, тикланиш ва спорт тиббиёти илмий амалий маркази, Шимолий давлат тиббиёт университети (Россия), Беларус Республикаси спорт ва туризм Министрлиги (Беларус Республикаси).

Адабиёт маълумотларининг таҳлили ортиб борувчи жисмоний юклама шароитида спортнинг циклик турларида спортчиларни тайёрлашнинг маълум

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тизимлари мавжудлигидан гувоҳлик беради. Бу мослашув жараёнларини кечишини назорат қилиш ва уларни тўғри баҳоловчи биокимёвий усулларни талаб этади. Тромбоцитар гемостазнинг функционал фаоллигининг ўзига хосликларини ўрганишнинг энг яхши усули организм учун табиий бўлган жисмоний юкламанинг таъсирини баҳолаш бўлиб, у гомеостазнинг функционал тайёрлиги ҳақида умумий тасаввур бера олади. Бизга маълум илмий адабиётларда тромбоцитлар фаолиятига узоқ давом этувчи, мунтазам, энг кенг тарқалган жисмоний машқ турларининг таъсири тўғрисида маълумотлар етарли ёритилган эмас. Тромбоцитларнинг турли индукторлар ва уларнинг биргаликда таъсир этишига нисбатан реакция даражаси аниқлаштирилмаган, мунтазам жисмоний юклама олувчи спортчиларда томирлар ўзанида тромбоцитлар фаоллашуви даражаси ва тромбоцитлар ичидаги механизмлар фаоллиги морфологик баҳоланмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-10-088 «Ёш спортчиларда касбий патологияни ривожланишининг юқори хавфи билан ассоцирланган мутацияга ва уни спортнинг ҳар хил турларига мойиллигини аниқлашда тиббий-генетик скринингни ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган(2014-2018 гг).

Тадқиқотнинг мақсади байдарка ва каноэда эшкак эшишга ихтисослашган спортчилар организмнинг мослашувчанлик имкониятлари ва тромбоцитларнинг томир ичи фаоллигини динамикада баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

спортчилардаги зўриққан мушак фаолиятида тромбоцитларнинг функционал фаол шакллари ўзгариш динамикасини баҳолаш;

эндотелиоцитлар кўрсаткичлари билан тромбоцитларнинг функционал фаоллиги ўртасидги алоқани баҳолаш;

ёғларни периксли оксидланиши ва тромбоцитлардаги антиоксидант химоя фаоллиги жараёнлари билан тромбоцитларнинг томир ичи фаоллаштирилиши ўртасидаги ўзаро алоқани исботлаш;

спортчиларда жисмоний юклама фонида гистамин даражаси ва тромбоцитларнинг функционал фаоллигини церулоплазмин билан ўзаро алоқасини баҳолаш;

жисмоний юкламаларга метаболик мослашишнинг баъзи механизмларини баҳолаш;

машғулот динамикасида спортчиларда 3-метилгистидин экскрецияси, қон, сўлак ва пешобда гистидин миқдорини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида байдарка ва каноэда эшкак эшиш билан шуғулланувчи 16 ёшдан 26 ёшгача бўлган 48 нафар спортчилар, худди шу ёшдаги спорт билан шуғулланмайдиган, 20 нафар шартли соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети спортнинг циклик турларида юқори малакага эга бўлган спортчилар организидаги метаболик жараёнларни кечишини индивидуал ўзига хосликлари ва умумий қонуниятларига турли йўналишдаги юқори жадалликдаги жисмоний юкламаларни таъсирини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда гематологик, гемостазиологик, морфологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

байдарка ва каноэда эшкак эшиш билан шуғулланувчи спортчиларда қоннинг реологик хусусиятлари қўллаб қувватлаш учун гемостазни мослашувчанлик реакцияси сифатидаги томир-тромбоцитар гомеостаз фаоллиги, гемокоруляция тизимлари омилларини истеъмол қилинишини ортиши, фибриноген миқдорини кўпайиши исботланган;

спортчиларда жадал жисмоний юкламадан сўнг томирларнинг эндотелиал ҳужайаларида дисфункцияни ривожланиши ва гемостазнинг қон томир-тромбоцитар бўғинини фаоллаштирилишида қоннинг антиоксидант ҳимояси ва ёғларнинг перекисли оксидланиш тизимида мувозанатлашмаганликнинг ўрни асосланган;

спортчиларда жадал жисмоний юкламадан кейинги биринчи соатларда қон зардобиди церулоплазмин ва унинг аллостерик модулятори бўлган гистамин даражасини ортишини компенсатор тавсифи ҳамда гистамин синтези ферментининг аллостерик фаоллашиши, қонни реологик хусусиятларини яхшилашга йўналтирилган компенсатор тавсифи исботланган;

гомеостазни қўллаб қувватлашга қаратилган, уларнинг намоён бўлиш даражаси бажарилган ишнинг метаболик қиймати билан боғлиқ бўлган қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини, кортизол ва 17α ОН-прогестероннинг даражасининг ўзгариши, спортчилардаги жисмоний юкламаларга жавоб сифатида креатинфосфокиназа (КФК) ва аспартатаминотрансфераза (АСТ)нинг умумий фаоллигини ортиши исботланган;

гистаминнинг биологик суюқликлардаги миқдорини ўзгариш даражаси ва 3-метилгистидиннинг экскрецияси юкламадан кейинги дам олиш давомийлигига боғлиқлиги, мушаклардаги оксил алмашинувининг жадаллигини ҳамда машғулотдаги юкламаларни шуғулланишга кўрсатадиган таъсирининг мезони исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тромбоцитлар морфологиясининг тезкор-усули жисмоний юкламаларга мослашиш даражасига спортчиларни текширишда скрининг кўрсаткич белгиси сифатида баҳоланган;

тромбоцитларнинг коагулолитик хусусиятларини ўзгариш динамикаси эса мушак юкламаларида юзага келувчи тезкор мослашувчанлик реакцияларини тадқиқ қилишда стрессор таъсирга жавоб реакцияси сифатида баҳолаш учун қўлланилиши мумкинлиги баҳоланган;

спортнинг циклик турларида шуғулланиш жараёнларини самарали бошқаришни клиник-лаборатор мезонларининг оптимал жамланмаси

белгиланди, улар тайёргарликнинг турли босқичларида шуғулланиш юкласини кўтара олишни баҳолаш учун қўлланилиши мумкинлиги баҳоланган;

жисмоний юкламага организм реакциясини баҳолаш, унинг мослашиши ва иш қобилияти саломатлик ҳолати устидан назорат ва тадқиқотларнинг умумий мажмуасида фойдаланилиши мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тадқиқотда қатнашган спортчиларнинг сони, ҳамда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган биокимёвий, гемостизиологик, морфологик, биокимёвий ва статистик усуллар, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи юқори малакали спортчилар организмда метаболик жараёнлар кечишини индивидуал ўзига хосликлари ва умумий қонуниятларга турли йўналтирилган юқори жадалликдаги жисмоний юкламаларни ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги назарий билимлар даражасини кенгайтишни баҳолаш билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти спортчиларни келажакда саралаш ва машғулотлар тартибини оптималлаштириш бўйича таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиши, шунингдек, ҳаддан ташқари шуғулланиш ва турли шикастланишларни олдини олишга қартилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Байдарка ва каноэда эшкак эшишга ихтисослашган юқори малакали спортчиларда тромбоцитларнинг томир ичи фаоллигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Спортчиларда мушак фаолиятини зўриқишини метаболик мослашишининг клиник ва лаборатор кўрсаткичларининг ташхисий маълумотлигини баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 мартдаги 8н-д/487-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада спортчиларнинг машғулотларга тайёргарлик давомида спорт врачлари ва тренерига юкламалар бўйича тўғри хулосалар чиқариш ва спорт натижаларини яхшилаш организмнинг чарчашни олдини олиш мушаклар фаолиятини ошириш тартибини тизимли ташкиллаштириш имконини берган;

Байдарка ва каноэда эшкак эшишга ихтисослашган юқори малакали спортчиларда тромбоцитларнинг томир ичи фаоллигини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини биокимёвий ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги Олий ўқув юртлиаро илмий тадқиқот лабораторияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт

институти марказий тадқиқот лабораториясининг фундаментал тадқиқотлар лабораторияси амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 8н-з/155-сон маълумотномаси). Натижада байдарка ва каноэда эшкак эшишга ихтисослашган юқори малакали спортчиларда тромбоцитларнинг томир ичи фаоллигини эрта ташхислаш, башоратлаш ва самарали даволаш, спортчилар ҳаёт сифатини яхшилаш, асоратларни камайтириш, мушакларни зўриқишини олдини олиш, спорт жароҳатларни даволаниш муддатларини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Спортчиларнинг функционал ҳолатини тиббий-биологик усулда баҳолашнинг замонавий тассаввурлари**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий илмий манбалар асосидаги илмий тадқиқотларнинг батафсил баёни ва муаммони ўрганилиш даражаси келтирилган. Адабиётларнинг манбалари турли тиббий-биологик тадқиқот усуллари кўллаган ҳолда аниқланилган турли жисмоний юкламаларда гемокагуляция тизим кўрсаткичлари ва тромбоцитларнинг функционал ҳолатига оид масалаларга бағишланган. Ўрганилаётган муаммо бўйича адабиёт маълумотлари асосида келгусида ўрганилишни талаб этувчи баҳсли ва ҳал этилмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Спортчиларнинг функционал ҳолатини тиббий-биологик баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида байдарка ва каноэда эшкак эшиш билан шуғулланувчи 48 нафар спортчини

2015-2017 йиллар давридаги маълумотлари келтирилган. Спортчиларнинг ёши 16 ёшдан 26 ёшгача ўзгарувчан бўлди (ўртача $20,5 \pm 20,6$ йил). Спортчиларни тинч ҳолатда ва жисмоний юкламадан кейинги нафас ва юрак ва қон-томир тизимининг функционал ҳолатини баҳолаш «Treadmile» (Германия) югириш йўлакчасида стандарт усул билан ўтказилди, пульс тартибини эса РНПЦСМ кардиологлари билан биргаликда «SportTester» пульсометри ёрдамида қайд этилди.

Барча текширилганларда капиляр қонни гематологик анализаторда гематологик текширишдан ўтказилди. Капиляр қондаги тромбоцитлар миқдори Горяев камерасида ҳисобланди. Тромбоцитларнинг агрегацияси (ТА) визуал микроусул ёрдамида қайд этилди, тромбоцитларнинг томир ичи фаоллиги (ТТФ) фазали-контраст микроскопда визуал аниқланди. (АсАТ, КФК (умумий) ферментларининг фаоллиги, лактат, инсулиннинг даражаси) ROSH фирмасининг «COBAS-311» биокимёвий анализаторида, оғиз бўшлиғи суюқлигидаги гистамин даражаси эса масс-спектри ёрдамида газ-суюқлик хроматография усули билан текширилди. Барча спортчиларнинг тромбоцитларида малон диальдегид (МДА) базал даражаси, катталиги бўйича ёғларнинг перексли оксидланиши (ЁПО) (А.И. Андреев ва ҳаммуаллифлар., 1986) ва ацилгидроперекслар миқдори (АГП) (А.Г. Гаврилов ва ҳаммуаллифлар., 1988), умумий оксидланишга қарши фаоллик, каталаза фаоллиги (Коралик М.А. ва ҳаммуаллифлар, 1988) аниқланди.

Диссертациянинг «**Аҳамиятли мунтазам жисмоний юкламаларни ўзида синаб кўрувчи спортчиларнинг томир ёриқларидаги тромбоцитларнинг фаоллашишини морфологик ва томир ичи механизмлари**» деб номланган учинчи бобида юқори жисмоний юкламада спортчиларнинг периферик қонидаги тромбоцитлар фаолликни текшириш натижалари келтирилган. Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатдики, спортчиларда юкламагача тромбоцитлар миқдорининг ортиш моиллиги бўлиб, жисмоний юкламадан кейин эса дастлабки натижага нисбатан мазкур кўрсаткични 1,15 мартага ($P < 0,05$) ортиши қайд этилган. Тромбоцитлар морфологиясини баҳолашда тромбоцитлар фаол шакллари йиғиндисини 1,68 мартага ($P < 0,01$) (1-жадвалга қаранг) ортиши фонида дискоцитларнинг камайишига моиллик аниқланди. Бу асосан дискоэхиноцитлар, сфероцитлар ва сфероэхиноцитларнинг нисбий миқдорининг ортиши билан боғлиқ бўлиб, у томир ичи агрегациясига тайёрликдан гувоҳлик беради. Бунинг тасдиғи бўлиб, агрегатлардаги тромбоцитлар сонини (1,24 мартага $P < 0,05$), кичик агрегатлар миқдорини (1,75 мартага, $P < 0,01$) ва айниқса катта агрегатларни (3,5 мартага, $P < 0,001$) ишончли равишда ортиши бўлиб ҳисобланади.

Бундай динамика машғулотдан олдин ва кейин ҳам сақланиб қолди, яъни бизлар дастлабки натижага нисбатан фаол тромбоцитлар, агрегатлардаги тромбоцитлар сонини, катта ва кичик агрегатлар миқдорининг йиғиндисини ишончли ортишини кузатдик.

Бундан келиб чиқадики, мунтазам шуғулланувчи спортчилар қонидаги реологик хусусиятларини оптимал даражада таъминлаш учун юқори даражада турғун бўлган тромбоцитлар фаоллик бўлиши керак.

1-жадвал

Соғлом ёшлар ҳамда байдарка ва каноэда эшкак эшиш секциясида шуғулланувчилар тромбоцитларининг томир ичи фаоллиги, $M \pm m$

Параметрлар	Спортчилар, n=48		Шартли соғломлар, n=12
	юкламагача	Юкламадан сўнг	
Тромбоцитлар, $\times 10^9/\text{л}$	209,0 \pm 11,9	241,2 \pm 12,2 ^{а,б}	198,9 \pm 12,1
Дискоцитлар, %	75,0 \pm 5,19	68,8 \pm 4,57 ^а	85,1 \pm 7,10
Диско-эхиноцитлар, %	16,2 \pm 0,15 ^а	20,0 \pm 1,15 ^{а,б}	9,1 \pm 0,14
Сфероцитлар, %	4,5 \pm 0,11 ^а	5,5 \pm 0,38 ^{а,б}	2,9 \pm 0,15
Сферо-эхиноцитлар, %	3,2 \pm 0,11 ^а	4,4 \pm 0,21 ^{а,б}	1,8 \pm 0,18
Биполяр шакллар, %	1,1 \pm 0,09	1,3 \pm 0,02	1,1 \pm 0,10
Фаол шакллар йиғиндиси, %	25,0 \pm 0,17 ^а	31,2 \pm 1,12 ^{а,б}	14,9 \pm 0,15
Агрегатдаги тромбоцитлар сони, %	7,2 \pm 0,17 ^а	10,5 \pm 0,97 ^{а,б}	5,8 \pm 0,12
Кичик агрегатлар сони /100 эркин ётувчи агрегатлар	4,9 \pm 0,09 ^а	6,1 \pm 0,09 ^{а,б}	2,8 \pm 0,14
Ўрта ва катта агрегатлар сони /100 эркин ётувчи тромбоцитлар	0,21 \pm 0,014 ^а	0,34 \pm 0,02 ^{а,б}	0,06 \pm 0,012

Изоҳ: а – спортчилар ва шартли соғлом шахслар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар, б – юкламадан олдин ва кейин спортчилардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги, $P < 0,05$.

Тромбоцитларда аниқланган ўзгаришлар эҳтимол, кўп ҳолларда ташқи таъсирлар (қонда агрегация индукторларининг концентрацияси ва Виллебранд омили – тромбоцитлар адгезиясининг кофактори, гистаминлар, церулоплазмин ва бошқалар) уларнинг рецепторларини сезувчанлик даражасининг доимийлиги, ҳамда қон пластинкалари юзасидаги рецепторлар сонининг ўзгармаслиги билан боғлиқ машғулотларда бўлиши мумкин. Юқори даражадаги жисмоний юклама қон пластинкалар юзасидаги рецептор аппаратининг бундай ҳолати мураккаб мослашувчанлик реакцияси ҳисобланади ва қон пластинкаларининг мазкур функционал ҳолатига мослашишига олиб келади. Байдарка ва каноэда эшкак эшиш секциясида мунтазам шуғулланувчи спортчиларда тромбоцитларнинг юқори фаоллик даражасини ўзгармаслиги, қондаги агрегация индукторларини физиологик даражасини сақланиши ва уларга нисбатан сезувчанликни меёрида бўлишидан гувоҳлик беради.

Мазкур гипотезани тасдиқлаш учун бизлар байдарка ва каноэда эшкак эшиш учун ихтисослашган спортчиларда гемостазнинг қон томир-тромбоцитар бўғини кўрсаткичларини ўргандик. Ўтказилган тадқиқотлар спортчилар орасида соғлом бўлган шахсларга нисбатан қон томир-тромбоцитар гемостаз кўрсаткичларини ортишига моилликни кўрсатди. (2-жадвалга қarang). Жисмоний юкламадан сўнг спортчилар қонида кўчиб

тушган эндотелиоцитларнинг миқдорини 1,7 мартага ($P < 0,01$) ортиши ва бунинг натижасидир плазминоген фаоллаштиргичининг ингибитори 1,91 ($P < 0,01$) мартага ортиши аниқланди. АЧТВ кўрсаткичининг узайишига моиллик бу гемостаз тизимининг ички йўлини фаоллашишидан гувоҳлик беради. Ушбу фонда фибриноген миқдорини 1,69 ($P < 0,05$) мартага ортиши, турли концентрациялардаги қон тромбоцитлар агрегацион фаоллик вақтини дастлабки кўрсаткичларга нисбатан қисқариши қайд этилди.

2-жадвал

Байдарка ва каноэда эшкак эшувчи спортчиларнинг гемостаз тизимидаги қон томир-тромбоцитар бўғин кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Шартли соғломлар, n=12	Спортчилар	
		юкламагача, n=27	Юкламадан сўнг, n =23
Қондаги кўчиб тушган эндотелиоцитлар сони, 1×10^4 /л	2,02±0,13	2,36±0,17	4,01±0,35 ^{а,б}
Плазминогенни фаоллаштирувчисининг ингибиторлар, бирлик/л	2,13±0,14	2,68±0,19	5,12±0,44 ^{а,б}
АЧТВ, сония.	29,5±2,33	34,5±2,78	38,1±2,18 ^а
Қон плазмаси фибриноген миқдори, г/л	3,03±0,18	3,44±0,21	5,78±0,49 ^{а,б}
ГАТ (2 карра суюлтирилган), сония.	12,3±0,87	11,2±0,77	8,07±0,61 ^{а,б}
ГАТ (6 карра суюлтирилган), сония.	32,4±2,43	29,5±2,01	20,1±1,18 ^{а,б}

Изоҳ: а – спортчилар ва шартли соғлом шахслар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар, б – юкламадан олдин ва кейин спортчилардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги, $P < 0,05$.

Бундан келиб чиқадики, жисмоний юклама нафақат томирларнинг эндотелий хужайраларида дисфункцияни ривожланишига сабаб бўлади, балки шунингдек гемокоагуляция тизимлари омиллари истеъмолини кучайишига ҳам олиб келади. Гемостаз тизимидаги плазма бўғинида яратилган шароитга жавоб сифатида организм унинг тромбоцитар (хужайра) бўғинини мос ҳолда фаоллаштиради, шу билан тромбоцитларнинг агрегацион фаоллигини оширади. Байдарка ва каноэда эшкак эшиш секциясида мунтазам шуғулланувчи спортчиларда тромбоцитлар фаоллигининг юқори даражасини ўзгармаслиги, агрегация индукторларининг физиологик даражада қон оқимида сақлаган ҳолда тромбоцитларнинг юқори бўлмаган сезувчанлиги билан боғлиқ.

Маълумки, жисмоний фаоллик инсон организмнинг барча аъзо ва тизимларига, жумладан тромбоцитларнинг функционал ҳолатига ҳам таъсир этиш қобилиятига эга. Шунинг учун биз антиоксидант фаоллик ва ЁПО маҳсулотларини ўргандик. Олиб борилган тадқиқотлар ЁПО маҳсулотларини баъзи устунликларини маълум даражада: шартли соғлом шахслар

кўрсаткичларига нсбатан МДА ва пероксидларни ($1,27 \pm 0,13$ мкмоль/л ва $224,6 \pm 11,83$ мкмоль/л) ортишини кўрсатди. Бунда умумий оксидлашга қарши фаоллик, каталаза фаоллиги ва витамин Е миқдори $267,6 \pm 10,4$ мкмоль/л, $24,1 \pm 1,58$ мкмоль/л ва $10,15 \pm 0,62$ мкг/л ни ташкил этиб шартли соғлом шахслар кўрсаткичларидан бир оз юқори бўлди. Жадал жисмоний юкламадан сўнг МДА ва пероксидлар миқдорини $2,51 \pm 0,17$ мкмоль/л ($P < 0,001$) ва $344,5 \pm 11,6$ мкмоль/л ($P < 0,001$) гача кўтарилди, умумий оксидланишга қарши фаоллик, каталаза фаоллиги ва витамин Е миқдори, $182,17 \pm 11,4$ мкмоль/л ($P < 0,001$), $12,3 \pm 0,95$ мкмоль/л ($P < 0,001$) ва $6,89 \pm 0,59$ мкг/л ($P < 0,01$) ни ташкил этди, бу эса хужайраларнинг анти оксидант химоясини сусайишидан далолат беради. Қон зардобадаги универсал антиоксидантлардан бири бўлиб ЦП ҳисобланади. У организмда мис алмашинувида иштирок этади, мис сақловчи ферментларни ҳосил қилиш учун хужайраларга мисни ташиб беради, темир алмашинуви, нейромедиаторлар (норадреналин, адреналин, серотонин) миқдорий бошқаради. У аллостерик ферментдир, гистамин эса унинг ижобий аллостерик модулятори ҳисобланади. Спортчилар қон зардобадаги ЦП ва унинг аллостерик модулятори гистамин миқдорининг таҳлили уларнинг миқдорини $24,12 \pm 1,83$ мг/дл и $1,57 \pm 0,02$ мкмоль/л гача қисман ортишини кўрсатди. 10 дақиқали кучли жисмоний юкламадан сўнг уларнинг миқдори $41,13 \pm 3,51$ мг/дл ($P < 0,001$) ва $5,12 \pm 0,87$ мкмоль/л ($P < 0,001$) гача статистик аҳамиятли ортди. Бироқ, икки соатдан сўнг бу кўрсаткичлар дастлабки ҳолатга яқинлашади. Бизнинг фикримизча, гиперцерулоплазминемиянинг сабабларидан бири бўлиб гистамин таъсири остида унинг оксидаза фаоллигини ортиши ҳисобланади, яъни ЦПнинг ортиши унинг ҳосил бўлишини индукцияси билан эмас, балки стрессли юкламалар негизида гистамин синтезида қатнашувчи ферментларининг фаоллашиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Олинган натижаларни таҳлил қилиб шундай хулоса қилиш мумкинки, байдарка ва каноэда эшкак эшувчи спортчиларда ЦП ва антиоксидант химоя ферментларини ўзгариши ўткинчи спортчиларда мослашиш жараёнлари бўлиб, қонининг реологик хусусиятларини меёрида сақланишига йўналтирилгандир. Бизнинг фикримизча олинган натижалар муҳим амалий аҳамиятга эга, чунки ушбу кўрсаткичларни спортчиларга жисмоний юкламаларни белгилашда ҳисобга олиш зарурдир.

Диссертациянинг «**Доимий равишда, кучли бўлган жисмоний юкламаларни ўзида синовчи спортчилар организмни мослашишининг компенсатор-мослашувчанлик механизмлари**» деб номланган тўртинчи бобида спортчилар организмнинг физиологик юкламага жавоби сифатидаги биокимёвий кўрсаткичлардаги ўзгаришлари келтирилган. Жадал жисмоний юкламадан сўнг спортчиларда барча гематологик кўрсаткичларини ортишини кузатилди, бу ишлаётган мушакларни кислород билан таъминанишига қаратилган мослашувчанлик реакциялари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга спортчиларни қон зардобада жисмоний юкламадан сўнг триглицеридлар миқдори, КФК $1,58$ ($P < 0,01$) ва $1,8$ ($P < 0,01$) мартага, АСТ– $1,7$ ($P < 0,01$) ва $1,31$ ($P < 0,05$) мартага мос ҳолда (3-жадвалга қаранг). Эрақ ва

аёл жинсидаги спортчиларда ошди. Олинган натижалар оғир жисмоний юклама жараёнида баъзи миоцитларда цитолиз мавжудлигини кўрсатди. Клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг ўзгариши бажарилган ишнинг метаболик қиймати билан ўзаро жуда яқин алоқада бўлди ва тест натижаларини баҳолашдаги энг кўп маълумот берувчи кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

3-жадвал

Циклик спорт тури вакилларидаги биокимёвий кўрсаткичлар, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Эркаклар, n=17		Аёллар, n=5	
	Юкламагача	Юкламадан сўнг	Юкламагача	Юкламадан сўнг
Глюкоза, ммоль/л	4,81±0,49	5,38±0,31	4,78±0,51	5,44±0,35
Триглицеридлар, ммоль/л	0,79±0,05	1,09±0,07*	0,76±0,08	0,93±0,09*
Мочевина, ммоль/л	5,02±1,13	5,91±0,67	5,14±1,53	5,47±2,08
КФК, ед/л	176,38±8,0	278,14±13,24*	164,67±7,17	296,5±8,5*
АСТ, ед/л	26,97±2,77	45,89±5,01*	30,91±2,86	40,54±3,21*
АЛТ, ед/л	24,78±2,10	33,06±2,54*	27,81±2,18	31,2±2,33
Зардобдаги темир, мкмоль/л	18,12±1,86	20,9±2,33	18,01±1,44	21,94±2,66

Изоҳ: *- фарқларнинг ишончилиги $P < 0,05$.

Эркаклар сўлагидаги стрессор гормонларининг миқдори аёллар кўрсаткичларига нисбатан ўртача 23,2% юқори (4-жадвалга қаранг). Машғулотдан сўнг кортизолнинг миқдори эркак ва аёлларда мос ҳолда 1,59 ($P < 0,05$) ва 1,7 ($P < 0,01$) мартага статистик аҳамиятли ошди, бу аёлларни жисмоний юкламага эркакларга нисбатан тезроқ мослашишини кўрсатади.

4-жадвал

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш билан шуғулланувчи спортчилар сўлагидаги стандарт жисмоний юкламадан олдин ва кейинги гормонлар миқдори, $M \pm m$


Кўрсаткичлар	Жисмоний юкламадан олдин		Жисмоний юкламадан кейин	
	эркаклар	Аёллар	эркаклар	Аёллар
Кортизол, (нг/мл)	26,33±2,27	21,38±1,76	41,89±3,78*	36,24±3,03*
17аОНП (нг/дл)	24,72±2,14	23,65±1,89	51,19±4,31*	45,18±3,89*

Изоҳ: *- фарқлар ишончилиги $P < 0,05$.

Жисмоний юкламадан кейин 17аОНП прогестерон миқдори эркак ва аёлларда 2,07 ва 1,93 мартага статистик аҳамиятли равишда ошди. Бу балки аёлларни давомли стрессга юқори даражада тайёрлигини кўрсатади. Бу байдарка ва каноэда эшкак эшиш билан шуғулланувчи спортчи аёлларни юқори функционал тайёргарлигидан гувоҳлик беради. Юқори даражадаги жисмоний юкламаларда гипофизнинг кортикотроп функциясини бошқарувчи гипоталамик механизмлар ишга туширади, натижада мос ҳолда

глюкокортикоидлар хосил бўлади. Натижада «қурилиш материали» сифатида зарур ўтмишдош бўлиб ҳисобланган 17 α ОНП прогестерон, ҳамда кортизолнинг миқдори ортади. Бундан келиб чиқадики, спортчиларнинг сўлагига кортизол ва 17 α ОНП прогестерон миқдорини аниқланиши организмнинг мослашувчанлик имкониятларини зўриқиш даражасини акс эттирувчи ишончли ва қулай тест сифатида фойдаланилиши мумкин.

Мазкур тахминий фикрни тадиқлаш учун тадқиқотнинг кейинги босқичида байдарка ва каноэда эшкак эшувчи спортчиларнинг сўлаги, қони ва пешобининг бир марталик порциясида жисмоний юклама негизида эркин гистаминнинг динамикаси ўрганилди (1-а-расм). Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатдики, сўлак ва пешобдаги гистамин миқдори қондагига нисбатан 5,1 ($P<0,001$) ва 1,99 ($P<0,01$) мартаба юқорилигини кўрсатди. Бу балки сўлакдаги секреция, экскреция ва рекреция жараёнларининг мавжудлиги билан боғлиқдир, бошқа томондан олиб қаралганда шуни ёддан чиқармаслик керакки, бу аралаш сўлакдир. Жисмоний юкламадан сўнг ўрганилаётган биологик суюқликлардаги гистаминнинг миқдори мос ҳолда 1,98 ($P<0,001$); 3,26($P<0,001$) ва 6,58($P<0,001$) мартага ортди.



1-расм. Юклама стрессидан олдин ва кейин 3-метилгистидиннинг (мкмол/л) экскрецияси ва спортчиларда стресс юкламаси фонида (а) сўлак, қон ва пешобда гистаминнинг (мкмол/л) миқдори.

Кўп сонли тадқиқотларда, спортчилардаги жадал шуғулланиш машғулотларидан сўнг организмда эркин гистамин миқдорини пасайиши исботланди. Дам олиш даврида унинг миқдори, юқори тикланиш босқичидан ўтиб дастлабки даражага қайтади. Етарли даражадаги жадал юкламаларда дастлабки натижаларга нисбатан солиштирилганда унинг даражасини ортиши тахминан ишдан сўнг бир суткадан кейин кузатилади. Шундай қилиб, ҳар кунги ўтказилган шуғулланиш машғулотларида шундай вазият юзага келиши мумкинки, ҳар бир кейинги машғулот олдингидан кейинги гистамин тизимини юқори тикланиш фазасига тўғри келади.

Бундай юқори биологик фаолиққа эга бўлган моддани тўпланиши спортчилар организмнинг физиологик фаолияти таъсир этмасдан иложи йўқ. Ушбу масалани ҳал этиш учун биз спортчилар (байдарка ва каноэда

эшкак эшиш) орасида организмдаги гистаминнинг дастлабки миқдорини жисмоний иш қобилиятига таъсирини ўргандик. Мушакларни ишлаш вақтида организм қисман анаэробноз шароитида бўлади. Доимий шуғулланиш ва мусобақаланиш юкломаси таъсири остида спортчи организмда кислородни етишмаслик шароитига узок вақтгача мослашиш қобилияти юзага келади. Жумладан, организм гистаминнинг «заҳираси» ни яратади, у маълум даражача гипоксия таъсирини пасайтиришга имкон беради. Гистамин организмда тўпланиб ацетилхолинэстеразани кучсизлантиради, шу йўл билан у ацетилхолин концентрациясини оширади ва вегетатив асаб тизимининг парасимпатик бўлимини фаоллаштиради. Кучайиб бораётган парасимпатик бошқарув таъсири остида ва гистаминни юрак ва томирларга бевосита таъсир этиши натижасида тинч шароитда қон айланиш тизимини ўз вазифасини бажариш даражаси пасаяди. Шунинг учун тинч ҳолатда ушбу кўрсаткич белгиларини паст бўлишида улардаги юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг диапозони кенгайди, яъни тинч ҳолатда қон айланиш аппаратини ўз вазифасини бажариш даражасини пастлиги иш вақтида уни фаоллашиши учун заҳирани яратади.

Оқсилларни ҳосил бўлиш жадаллиги юзага келмасдан туриб, оқсил тузилмаларининг алмашинув самарадорлигини пайдо бўлиши, шу билан бирга уларнинг кучли деградацияси билан ҳам мумкин эмас. Қисқарувчи оқсилларнинг деградациясини актин ва миозиннинг махсус метаболити бўлиб ҳисобланган, уларнинг парчаланиши натижасида ажралиб чиққан ва организмдан унинг реутилизациясиз чиқариб юбориладиган 3-метилгистидиннинг экскрецияси бўйича миқдорий тавсифлаш мумкин. Олиб борилган тадқиқотлар тезлик кучини ривожлантирувчи стресс юкломалардан кейинги биринчи соатлар давомидаёқ спортчилар пешобида 3-метилгистидин экскрециясини 2,15 мартага ортишини кўрсатди. Кейинчалик экскреция сезиларли даражада ортиб, 24 соатгача бўлган даврда (дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 3,38 мартага ортиди) ўзининг энг юқори даражасига эришди. Кейинчалик, (2–куннинг охирига келиб) мазкур метаболитнинг экскрецияси дастлабки миқдорига яқинлашди. Жисмоний шуғулланиш натижалари билан ушбу ўзгаришларни ўзаро қиёслаш муҳим илмий маълумотни аниқлашга имкон берди: мушак гипертрофияси ва мушаклар кучини ривожлантиришга нисбатан шуғулланиш самарадорлиги машғулотлар даврида 3-метилгистидиннинг экскрециясини кучайиши билан боғлиқ бўлади ва мушак оқсилни парчаланишини акс эттиради. Кўрсатилган алоқа, мушаклар кучини ривожлантиришга қаратилган машғулотларда шуғуллатирувчи таъсир мезони сифатида 3-метилгистидин экскрециясини қўллаш мумкинлиги тақдим этилади.

ХУЛОСАЛАР

«Байдарка ва каноэда эшкак эшишга ихтисослашган юқори малакали спортчиларда тромбоцитларнинг томир ичи фаоллигини динамикаси» мавзусидаги биологик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Мунтазам шуғулланувчи спортчиларда тромбоцитларнинг фаол шакллари йиғиндисини ортиши, агрегатларда тромбоцитлар сонини ишончли ортиши, шунингдек томир ичи агрегациясидан гувоҳлик берувчи кичик, ўрта ва катта агрегатлар миқдори ортиши қайд этилди.

2. Жисмоний юклама томирлар эндотелиал хужайраларининг дисфункциясини ривожланишига, гемостаз қон томир-тромбоцитар бўғини мослашишини фаоллашиши ҳамда гемостаз тизимининг плазмали бўғинида гемокоагуляция тизимлар омиллари истеъмолини кучайишига сабаб бўлади. Бу уларга тромбоцитларнинг унча юқори бўлмаган сезувчанлигида агрегация индукторларини физиологик даражасини қон оқимида сақланишидан гувоҳлик беради.

3. Жадал жисмоний юклама МДА ва пероксидлар миқдорини ортишига, қон зардобини умумий антиоксидловчи фаоллигини, каталаза фаоллиги ва витамин Е миқдорини пасайишига олиб келади, бу фаол тромбоцитларни агрегацияга тайёрлиги билан боғлиқ холда оксидланишга қарши ҳимояни маълум даражада камайиб бораётганлигини кўрсатади.

4. Жадал жисмоний юкламадан сўнг спортчилар қон зардобиди церулоплазмин ва унинг аллостерик модулятори бўлган гистаминнинг миқдори статистик аҳамияти пасаяди ва дам олгандан сўнг 2 соат ўтиб дастлабки даражага яқинлашади. Бу гистамин ферментининг аллостерик фаоллашуви билан боғлиқ ва спортчилар қонининг реологик хусусиятларини таъминлашга қаратилган компенсатор тавсифга эга бўлади.

5. Спортчилардаги жадал жисмоний юклама миоцитларнинг баъзи цитолизи мавжудлигини кўрсатган холда КФК ва АСТнинг умумий фаоллигини ортишига олиб келади. Клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг ўзгариши бажарилган ишнинг метаболик қиймати билан ўзаро яқин алоқада бўлди ва тест натижаларини баҳолашдаги энг кўп маълумот берувчи кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

6. Эркаклар сўлагиди кортизолнинг даражаси аёлларга нисбатан янада юқорироқ, машғулотлардан сўнг унинг миқдори айниқса аёлларда, янада ортади. Шунга ўхшаш йўналганлиги ўзгаришлар 17 α ОН-прогестерон учун ҳам хос бўлиб, у аёлларда давомли стрессга юқори даражада тайёрликни кўрсатади.

7. Гистаминни пешобдаги, айниқса сўлакдаги миқдори, қондагидан юқоридир, жисмоний юкламадан сўнг биологик суюқликларда, айниқса қон ва пешобда унинг миқдори кескин ортади.

8. Жадал шуғулланишлардан сўнг 3-метилгистидиннинг экскрецияси биринчи куннинг охирига келиб энг юқори миқдорда бўлади ва мушакларда оксиллар алмашинуви жадаллигидан далолат беради, иккинчи куннинг охирига келиб меъёрлашади. Бу уни кучни ривожлантиришга қаратилган машғулотларда юкломани шуғулланишга таъсир этувчи мезон сифатида фойдаланишга имкон беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 04/30.12.2019.Tib.30.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЦЕНТР
СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

ЮСУПОВА ЮЛДУЗ НУРИТДИНОВНА

**ДИНАМИКА ВНУТРИСОСУДИСТОЙ АКТИВНОСТИ
ТРОМБОЦИТОВ У ВЫСОКОСПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ
СПОРТСМЕНОВ, СПЕЦИАЛИЗИРУЮЩИХСЯ В ГРЕБЛЕ НА
БАЙДАРКАХ И КАНОЭ**

03.00.01 – Биохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № **B2020.2.PhD/B428**.

Диссертационная работа была выполнена в Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины.

Автореферат диссертации на **трех** языках (узбекский, русский, **английский (резюме)**) размещён на веб-странице по адресу www.tma.uz и Информационно-образовательном портале “Ziyonet” по адресу: www.ziyonet.uz

Научный руководитель: Кулманова Муножат Усмоновна
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: Юлдашев Носир Мухамеджанович
доктор биологических наук, профессор

Рахимова Дилором Алимовна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Тошкент давлат стоматология институти

Защита диссертации состоится «_____» 2020 года в _____ часов на заседании Разового Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.04 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, дом 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел/Факс (+99871) 150-78-25. e-mail: tta2005@mail.ru)

С докторской **диссертацией** (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской Медицинской Академии (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2 учебный корпус «Б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел/Факс (+99871) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2020 года).

Г.И.Шайхова

Председатель разового **Научного** совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Ж.Эрматов

Ученый секретарь разового **Научного** совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Ж.Аллаева

Председатель разового научного семинара при разовом **Научном** совете по присуждению ученых степеней, доктор биологических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно мировой **статистики** в настоящее время физической культурой и спортом в развитых странах занимаются 40–60% населения, в России этот показатель составляет лишь 8–10%, в Узбекистане – 2–5%. В мире, в том числе в Узбекистане, уделяется большое **внимание развитию** спорта. Для достижения высших результатов в современном спорте необходимы экстремальные, как по объемам, так и по интенсивности, тренировочные и соревновательные физические и психоэмоциональные нагрузки. Устойчивость к этим условиям обеспечивается максимальной адаптацией всех органов и систем организма к интенсивной мышечной деятельности. Одним из критериев оценки адаптации к сверхинтенсивным физическим нагрузкам являются параметры гемостаза. Их можно использовать для оценки адаптационного потенциала организма, и в качестве критерия подбора индивидуальных тренировочных режимов. Учитывая интенсивное развитие спорта в республике, разработка критериев учета функциональных возможностей организма спортсменов, занимающихся экстремальными видами спорта, в частности греблей на байдарках и каноэ, можно **утверждать**, что выбранное направление является актуальным.

В мировом масштабе в спортивной **медицине** **проводятся** ряд исследований по разработке критериев оценки компенсаторно-приспособительных возможностей организма высококвалифицированных спортсменов. Для оценки индивидуальных особенностей адаптации организма к физической нагрузке необходимо комплексное тестирование, позволяющее получить сведения о различных морфофункциональных и психофизиологических показателях конкретного человека. В тренировочном процессе используют различные виды контроля, в ходе которых исследуют состояние различных органов и систем организма спортсмена по наиболее вариативным показателям, этапного контроля с использованием менее динамичных показателей. В повышении физической работоспособности мышц важную роль играет микроциркуляторное русло, обеспечивающее транспортные и гомеостатические функции кровообращения. Они могут быть маркерами ее уровня и синдрома перетренировки у спортсменов. В этой связи интересным представляется изучение вопроса о применимости гемостазиологических параметров в качестве оценки процессов адаптации к действию стрессорных факторов у спортсменов скоростно-силовых видов спорта, требующих общей и специальной выносливости.

В нашей стране среди населения определены **задачи** по повышению физической активности, биологической двигательной активности и путем пропаганды здорового образа жизни обеспечения нормального уровня биологических систем. Данные задачи направлены на «...повышение эффективности, качества и доступности оказываемой медицинской помощи населению в нашей стране, а также внедрение методов ранней диагностики и

лечения заболеваний, путем внедрения высокотехнологичных методов, для формирования здорового образа жизни и профилактики заболеваний создать эффективные модели патронажной **службы ...**². Выполнение этих задач служит научно обосновать методы медико-биологической подготовки, путем оценки повышения физической подготовленности повысить уровня физической подготовки и биологической надежности спортсменов.

